

АЖДОДЛАР ЙЎЛИ - МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ БЕШИГИ

Юлдашева Нилуфар Абдуллаевна

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини

механизациялаш муҳандислари институти

Миллий тадқиқот университети *педагогика фанлари доктори (DSc)*,

Кошназарова Малоҳат Алимовна

Ўзбек тили ва адабиёт кафедраси ўқитувчиси

ANNOTATSIYA

Maqolada bugun amaldagi avlod o'rnini egallaydigan kelajak yoshlarining erkin fikrlashi muhimligi, bolalarni o'qitishdagi asosiy muammolar aniqlanligi, zamonaviy o'qitish usullari bilan o'tmish ta'lim-tarbiyasidagi o'xshash va farqli jihatlar taqqoslanishini ko'rish mumkin. Bu borada yangi avlod kadrlarini kasbga yo'naltirishda ta'lim metodlarini talabalar bilan muhokama qilish, amalda qo'llash orqali turli global mavzularni ilgari surishi mumkinligi ta'kidlanadi.

Maqolada ko'proq bola rivojlanishida ta'limning muhim roliga e'tibor qaratiladi. Qolaversa, maqolada o'z davrining eng ko'zga ko'ringan mutafakkirlari qarashlariga tayaniladi, shuningdek buyuk ajdodlarimiz o'gitlari asosida ko'plab foydali ma'lumotlardan bugungi kunda ham foydalanilayotganligi haqida fikr va xulosalar beriladi.

Ushbu maqola shaxsga yo'naltirilgan ta'lim tizimi sohasidagi mutaxassislar uchun juda foydali bo'lib, yosh avlodni kengroq va mustaqil fikrlashiga erishishda samarali o'qitish tendensiyalarini rivojlantiradi.

Калит сўзлар: *миллий таълим тизими, аждодлар ўғити, ёш авлод, туб услоҳотлар, илм-маърифат, маънавий асос, миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатлар*

АННОТАЦИЯ

В статье автор рассматривает концепцию важности свободомыслия молодого поколения, которое, соответственно, в дальнейшем займет место нынешних трудящихся. Выявлены ключевые проблемы неэффективности обучения детей, которые по аналогии можно заменить современными методами обучения, выдвигая различные глобальные темы для обсуждения со студентами.

Автор больше акцентирует внимание на том, какую важную роль играет образование в развитии ребенка. Кроме того, в статье делается вывод о том, что наши великие предки, считавшиеся самыми выдающимися учеными своего

времени, оставили много полезной информации, которая используется и по сей день.

Данная статья может быть полезна специалистам в области детского образования, так как тут приводятся множество аргументов в пользу важности эффективного обучения для достижения более широкого мышления подрастающего поколения.

Ключевые слова: национальная система образования, воспитание предков, молодое поколение, коренные реформы, знания, духовная основа, национальные ценности, традиции и обычаи.

ABSTRACT

In the article, the author considers the concept of the importance of free-thinking of the young generation, which, accordingly, will take the place of today's workers in the future. The key problems of the inefficiency of teaching children are identified, which, by analogy, can be replaced by modern teaching methods, putting forward various global topics for discussion with students.

The author focuses more on the important role education plays in the development of the child. In addition, the article concludes that our great ancestors, who were considered the most outstanding scientists of their time, left a lot of useful information that is still used today.

This article may be useful to specialists in the field of children's education, as there are many arguments in favor of the importance of effective teaching to achieve a broader thinking of the younger generation.

Key words: national education system, education of ancestors, young generation, fundamental reforms, knowledge, spiritual foundation, national values, traditions and customs.

КИРИШ

Мамлакатимизда таълим тизими ҳар томонлама устувор соҳалардан бири эканлиги натижасида ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш учун замонавий даражадаги барча имкониятлар яратилмоқда. Янги Ўзбекистонда туб ислохотларни амалга ошириш жараёни узлуксиз таълим тизимига, жумладан, олий таълим тизими олдига ҳам янги вазифаларни қўйди. Дунёдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олиб, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида сингдириш, мамлакатимиз ҳаётидаги реал ижтимоий- сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда уларнинг билимларини ошириб бориш, ён-атроф ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш

масалаларига алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, инсонлар, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига халқига, она юртига муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”¹ деб таъкидлаганлар.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олимлар – Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбекларнинг илмий-маърифий қарашлари ҳам изчил билим олиш, мавжуд билимларни ўрганиш, ўзлаштирилган билимларни такрорлаш, машқ қилиш, турли тажрибаларни босқичма –босқич ўтказиш асосида шаклланган ва дунёда тан олинган.

Педагог олимларнинг фикрича, «... комил инсон қиёфасида акс этиши зарур бўлган сифатлар сирасида илмий билимлар ҳамда мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштириш, замонавий техника ва технологиялар, уларнинг хизматидан фойдалана олиш каби ҳолатларнинг намоён бўлиши малакали мутахассисни тайёрлаш борасидаги ижтимоий заруриятнинг моҳиятини ёритишга хизмат қилади». Шу туфайли касбий билимларни ўрганиш ҳамда ёш талабаларда ўз кўникма ва малакаларини ривожлантириб бориш эҳтиёжи юзага келади.

Ёшларга таълим-тарбия берилар экан, сабоқ берувчи ўқитувчининг касбий малакага эга бўлмаслиги, тажрибасизлиги, ёш авлодга сифатли таълим бериш, уларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш имкониятини чеклайди. Олий таълимда ёхуд узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар, энг аввало, ёшларни замонавий билимлар билан

¹ Мирзиёев Ш.М.Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.- Т.,Ўзбекистон:НМИУ, 2016. 14-бет.

куроллантириши, мавжуд кўникма ҳамда малакаларини такомиллаштириши, шунингдек, уларни маънавий-ахлоқий сифатларини бойитиши мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий соҳаларда рўй бераётган тезкор ўзгаришлар, янгиланишлар мавжуд билимларни доимий равишда бойитиб бориш, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришни тақозо этади. Шу сабабли ҳар бир мутахассис ўз устида тинимсиз ишлаши, билим ва малакаларини узлуксиз ошириб бориши лозим. Ушбу жараённинг самарали кечишида муҳим ўрин тутадиган асосий омиллар қуйидагича тавсифланади. Масалан, жамиятда айниқса, Янги Ўзбекистонда баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган ижтимоий ҳаракат кенг кўламда йўлга қўйилаётган шароитда талабалар томонидан маънавият ва ахборот соатларининг пухта ўзлаштирилишига эришиш асосида ёшларда эстетик ҳис-туйғуларни шакллантириш, адабий таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш учун эса, зарурий билим, кўникма ва малакаларини жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ ошириш, уларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратиш лозим. Айни вақтда олий таълимда ўқитиш тизимини самарали ташкил этишнинг энг мақбул йўли сифатида ўқув жараёнини янгича технологиялар, замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш лозимлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Бугун узлуксиз таълим тизими ўсиб бораётган, ривожланаётган, эркин фикрловчи ва баркамол авлод тараққиётининг ҳар босқичида ўзига хос тарзда тафаккур ҳамда фаолият мустақиллигини таъминлаши ва танлаган касбига мос, ёшларнинг ёшига яраша билим, кўникма, малака ҳамда маънавий сифатларни шакллантиришига шарқ таълим-тарбия тизимида алоҳида эътибор қаратилганлигини бир зум бўлсада, ёддан чиқармаслик лозим. Бундан ташқари, Шарқ алломаларининг асарларида ёшларнинг билим ва касб танлашига бўлган қизиқишини фаоллаштириш ва унда мантиқий-мустақил фикрлашни шакллантириш мақсади етакчилик қилгани ҳам кўзга ташланади.

Шу ўринда Форобийнинг фикрича, таълим-тарбия жараёнининг ҳар босқичида таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштириши ўзига хос тарзда фикрлаш, тасаввур қилиш ва ҳис этиш орқали амалга ошади. Инсон туғилганидан фикрлаш қувватига эга бўлади ва у боланинг ўсиши билан ривожланиб боради. Олимнинг фикрича, инсон ақлига сиғадиган тушунчаларнинг киши онгида сақланиб қолиши билишнинг натижаси саналади. Форобий айтадики: “Болада катта имкониятларга эга кўнгил бор. У ҳис-туйғуга, тафаккур орқали англаш хусусиятига эга. Ҳиссиёт ва тафаккур билан жисмлар тушунилади,”– деган ғояни изчил илгари суради ва асослайди.

Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари ўрганилган манба ва адабиётлардан аён бўлдики, Ибн Сино таълимда билимларни ўзлаштириш ҳис этиш йўли билан амалга оширилганда, катта самара беришини алоҳида таъкидлаган ва бунга доир кўплаб амалий фактлар билан исботлашга ҳаракат қилади. Бу жараён дахл қилиш, ушлаб кўриш, бевосита иштирок этиш, амалда синаб кўриш йўли билан тадбиқ зарурлигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаган.

Етук аллома Ибн Синонинг қарашларига кўра, ўқувчи билими асосида мантиқий фикрлаш, шахсий кузатиш ва тажриба ётади. Беназир олим таълим-тарбияда эркинлик бўлишига эътибор қаратган. Эркинлик ўз-ўзидан тафаккур мустақиллигини таъминлайди, фикр кишисини тарбиялайди, шахснинг маънавий камолотига сабаб бўлади. Мутафаккир устоз шогирдининг айрича хусусиятларини инобатга олиши, уларни ўзининг билимдонлиги, шахси билан қизиқтириши, таълимнинг турли методларидан фойдаланиши керак деб ҳисоблаган. Билимларни шогирдлар туйғулари орқали ҳиссий ўзлаштириши учун ўқитувчининг ҳар бир сўзи имо-ишора ва юз ҳаракатлари билан мос бўлиши кераклигини таъкидлаган. Фикрлаш хусусида сўз юритиб, унинг мантиққа асосланиши лозимлигини айтган. Олим фикрича, мантиқ фикрлашнинг қуроли ва инеъкосидир. Борлиқни англаш мантиққа асосланиши кераклигини Ибн Сино алоҳида таъкидлаган². Умар Хайём таъбирича, мустақил фикрлаш ўқувчи – талаба тараққиётининг ҳар бир босқичида ўзига хос тарзда намоён бўлишини алоҳида таъкидлаган. У ўзидан аввалги олимларнинг ишларини ўрганиб, уларда ўқувчи- талабани «безовта қилиш», қизиқтириш учун мустақил фикрлаш, билимларни онгли равишда ўзлаштириш билан боғлиқ қарашларнинг йўқлиги номаъқул эканига диққат қаратади. Шунингдек, Умар Хайём у ёки бу математик ҳолатларни тушунтиришда эркин ёндашув зарурлигини қайд этган ва ўқувчи-талабани таълим жараёни давомида муттасил равишда мустақил фикрлашга даъват қилиб, йўналтириб турилиши кераклигини мисоллар орқали кўрсатган. Олим махсус йўллар билан таълим олувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга одатлантириш, масалани ўзи ҳал қилишига ўргатиш зарурлигини кўрсатган.

Яна Ибн Синога юзлансак: “агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради. Масалан, ғазаб кучли қиздиради, қайғу кучли оздиради, ҳафсаласизлик нафсоний қувватни бўшаштириб, мижозни балғамликка мойил қилади. Хулқнинг мўътадиллиги натижасида, ҳам нафас,

² Рахимов С. Педагогические идеи Абу Али ибн Сино. Автореф. дисс... канд. пед. наук. –Т., 1964. Рахимов С. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия ҳақида. –Т.: “Ўқитувчи”, 1967.

ҳам бадан соғлом бўлади”³. Ибн Сино ахлоққа оид кўплаб муаммоларни одамнинг рухий ҳолати ва маънавий хоссаларининг ҳис-ҳаяжонли пайдо бўлиши асосида талқин этади. Фитрат мазкур асарининг иккинчи қисмида фарзанд тарбияси ҳақида ёзади. “Оиладаги энг оғир вазифа бола туғилгандан кейинги фарзанд тарбиясидир... Бани Одамнинг сиёсий, диний, ижтимоий инкилобларининг асоси ана шу икки сўз – “бола тарбияси”дан иборат бирикмага боғлиқ. Бу халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб, эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши, болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ”⁴, - дейди.

Абдулла Авлоний ҳам таълим-тарбига оид илғор қарашларни илгари сурган. Унинг илмий мероси бой бўлиб, “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Мактаб гулистони” каби асарларида “ақлнинг боласи ақлли, аҳмоқнинг боласи аҳмоқ” каби ақидаларга қарши чиқади ва тарбиянинг ҳал қилувчи аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Авлоний тарбияни шундай тушунтиради: “Тарбия”, “педагогика”, яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Болани саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакни тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан асраб ўздурмакдур”⁵.

Жумладан, фикр тарбияси, унинг мустақиллигини шакллантириш ва ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнидаги ўқувчи мустақиллиги ҳамisha устозларнинг зиммасидаги муқаддас бир вазифа эканлиги, миллатнинг илғор зиёлийлари диққат марказида бўлиши кераклигини уқтиради⁶. Фақат шўролар мактаби, собиқ совет даврида бу масала таълим тизимида иккинчи ўринга туширилган.

Маълумки, болалар мактабгача бўлган даврида фавқулодда ижодкорлик хусусиятига эга бўладилар. 5-6 ёшида она тилини тўлиқ ўзлаштириб оладилар, ўзларининг амалий фаолиятлари ва борлиқни англашлари учун зарур бўлган ҳар хил маълумотларга эга бўладилар. Уларнинг бу даврдаги тараққиёти ҳеч қандай, одатда, мунтазам ўқитиш ишларисиз, катталар ва тенгдошлари билан мулоқоти жараёнида амалга ошади. Болалар мактаб ҳаётига кириб келганларида, уларнинг фаолияти дастурлар асосида тизимли билим олишга ўтганда бир қадар ўзгаради. Бизнингча, бу ўқиш-ўрганиш жараёнида

³ Ўша китоб.

⁴ Абдурауф Фитрат. Оила ёки ... –Б. 55..

⁵ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –Б. 12.

⁶ Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1996. –Б. 276

табийликнинг бузилгани, унга сунъийлик аралашуви туфайли содир бўлади. Бола мактабга киргач, унинг мустақиллиги, ўз интеллектуал даражасидаги фикрлаши ва ихтиёрий фаолияти маълум даражада чекланади. Ундан мактаб талабларига мувофиқ иш юритиш талаб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бола айрим ҳолларда ҳатто мустақил равишда мулоҳаза юритишни унутиб қўйиши ҳам мумкин. Чунки унинг ўрнига мактабда, лицей ёки коллежда ўқитувчи ўйлайди. Педагог болалар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимларни тайёр ҳолда беради, саволлар қўяди, берилиши лозим бўлган жавоблар вариантларини ўқувчига таклиф этади ҳамда бериладиган савол ва топшириқларнинг ечилиш йўллари тавсия этади. Шу ўринда ўқувчи ўрганилаётган ўқув материални эслаб қолиши, уни уйда такрорлаши ва мустақамлаш машқларини бажариши лозим бўлади холос. Ўз-ўзидан бундай таълим ўқувчидан ижодий фикрлашни талаб қилмайди. Таълим жараёнида ўқитувчи имкон қадар кенгроқ, чуқурроқ билим беришга ҳаракат қилгани туфайли ўқувчида унга савол бериш эҳтиёжи ҳам йўқола боради. Ана шундай мезонлар орқали саҳналаштирилган дарс жараёни, ўқитувчи томонидан берилган билим, аввало, бола учун янги, қолаверса, ўқитувчи бу янгиликни қатор илмий асослар ва исботлар билан тушунтириб бериши каби тизим айрим ҳолларда бузилади. Болаларга бу тарзда сингдирилган билим, кўникма, малака ва маънавий сифатлар уларни доимий хизмат кўрсатилиши лозим бўлган истеъмолчига ёки “тайёрига айёр” боқиманда ўқувчига айлантириб қўяди. Мисол келтирсак, ўқувчининг мактабда олаётган билими баъзан гўдакка чайнаб берилган овқатга ўхшаб кетади. Бу тизим орқали таълим боладан билимларни мустақил равишда ижодий ўрганишни талаб қилмайди. Бир неча йиллик шундай ўқитиш натижасида ёшлар мустақил равишда бирор қадам ҳам босолмайдиган фаолиятсиз кимсага айланади. Натижада у ҳар қандай ақлий зўриқишдан ўзини торта бошлайди, бундай зўриқишни яқинлари бўлмиш ҳамкорлари, қўллаб-қувватловчилар яъни ўқитувчи, ота-она, ўртоқларининг зиммасига орта бошлайди. Бундай ўқувчи-ёшлар, табиийки, бирор ишни бажаришдан завқ, лаззат ёки қониқиш ҳам туймайдилар.

Айни ўспиринлик даври узлуксиз таълим босқичларидаги фикрлашнинг мустақиллиги даражаси уларга яратилган шароит туфайли кучаяди ёки сусаяди. Шу боисдан уларнинг руҳий тараққиёти ҳар хил шароит ва босқичларда турлича амалга ошади. Бунда катталар эътибор бериши лозим бўлган жиҳатлар: боланинг ривожланишидаги ёши билан боғлиқ хусусиятлар, тафаккурининг мустақиллиги чегараси ва даражаси ҳар бир ёшда ўзига хос индивидуал тарзда

бўлиши таълим жараёнининг ҳар босқичида, ҳар бир дарсада қатъий ҳисобга олиниши лозим. Бу соғлом маънавиятли шахсни шакллантириш шартларидан энг муҳими саналади.

Маълумки, ҳар бир инсонга хос бўлган ривожланиш даражаси ҳамisha шарт-шароит, муҳит билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам педагог-ўқитувчи ўқувчилар фикрлашининг ташқи муҳит билан алоқасини аниқлаши ва мувофиқлаштириши, унинг йўналишларини бошқара олиши керак. Бу фаолиятнинг сифати, яъни ўқувчи-педагогнинг маънавий соғломлашуви даражаси унинг дастлабки хатти-ҳаракатларидаёқ кўрина бошлайди. Ҳаётий билимларни ўзлаштириш – нарса-ҳодисалар хусусиятлари ва бутун, бўлак, қисмлар ўртасидаги уйғунликнинг сезги органларига ва туйғуларга бевосита таъсири ҳамда онга кўчишидир. Бевосита ўзлаштириш жараёни мустақил тафаккур, тасаввур, нутқ, ҳиссиёт ва ирода орқали амалга ошади, юзага чиқади ҳамда намаён бўлади.

ХУЛОСА

Ҳаётий сабоқлар шуни кўрсатадики, инсон таълим жараёнида ҳам худди меҳнат фаолиятидаги сингари жуда камдан кам ҳолатларда фақат хотирасининг қувватига таянади.

Таълим жараёни тажриба, хотира, тасаввур, хаёлот олами, онг ва эҳтирос билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бундай вазиятда инсоннинг ақли фаол ҳаракатда бўлади. Ақл ўқув-билув жараёнига фаол аралашади, аниқлик киритади, қабул қилади ёки рад этади, яратади ёхуд бузади. Бу жараён инсон ақлининг фаолияти – фикрлаши, тафаккури маҳсули саналади. Барчамизга маълумки, ақл хотиржамликда, сокинликда эмас курашларда ривожланади. Шу ўринда ёшлар ҳаётга умид билан қараши, ўз ҳаётида дуч келадиган ҳар хил қийинчиликлар билан кураша олиши мумкинлигига ўзи ишониши керак.

Дарҳақиқат, санъатнинг кўп турлари инсонда борлиқни туйғулар орқали билиш қобилиятини шакллантиради ва ривожлантиради. Бу қобилият ҳар қандай соҳа мутахассиси учун айниқса, бўлажак мутахассис, етук кадр учун ўта зарур.

Талабчанлик ва танқидийлик ёшлар тафаккурининг асосий хусусиятларидан бўлиб, у ўзга фикрларни турли баҳоналар, сабаблар билан йўққа чиқаришга қаратилганлиги билан характерлидир. Бунинг олдини олиш учун педагогика, маънавият, ахборот дарсларида, соатларида ўқувчилар ўз қарашларини далиллар кўмагида асослашга одатлантирилиши керак. Талаба ўзи ҳукм чиқариб, унинг тўғри эканини ўзи исботлай олиши мақсаднинг муддаосини белгилайди.

Ҳаётий тажрибалар орқали, талаба тафаккури тўғри ривожланиши учун уни тўғри таъриф беришга, таҳлил қилишга, таққослашга, умумлаштиришга одатлантириш, ўз фикрини тўғри, равон, аниқ ифодалаш ва асослашга ўргатиш, муस्ताқил равишда ҳукм, хулоса чиқариш, мулоҳаза юритишга йўналтириш керак. Муस्ताқил фикр юритишнинг бундай шакллари уларда ақлий кўникма ва малакаларни ўстиради. Натижада, касбий компетенцияси юқори бўлган ёшларда ақлий ривожланиш, маънавий етуқлик амалга оширилади ҳамда замонавий тафаккур қила оладиган, келажак ворислари, янги Ўзбекистон фуқароси камол топади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М.Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.- Т.,Ўзбекистон:НМИУ, 2016. 14-бет.
2. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари – Тошкент: Маънавият, 2000. –Б. 55.
3. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –Б. 12.
4. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1996. –Б. 276.
5. Рахимов С. Педагогические идеи Абу Али ибн Сино. Автореф. дисс... канд. пед. наук. –Т., 1964.
6. Рахимов С. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия ҳақида. –Т.: “Ўқитувчи”, 1967